

АЙРИМ ХОРИЖ ДАВЛАТЛАРИДА ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРУВЧИ ОРГАНЛАР ВА ТЕРГОВ БЎЛИНМАЛАРИНИНГ ЎЗARO ҲАМКОРЛИГИ МАСАЛАЛАРИ

К.Н. Убайдуллаев*

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7568317>

Аннотация. Мақолада айрим хорижий давлатларнинг судга қадар жиноят ишларини юритиш ва жиноятларни тергов қилишда тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар ва тергов бўлинмалари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни тартибга солувчи қонунчилик, шунингдек тезкор-қидирув фаолияти элементларининг жиноят процессида намоён бўлиши баён этилган.

Калит сўзлар: тезкор-қидирув фаолияти, тергов ҳаракатлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, махфий суриштирувчи, нопроцессуал фаолият.

Собиқ Иттифоқ давлатларида шакланган жиноий судловни амалга ошириш тизими каби Ўзбекистонда ҳам оғир ва кўп эпизодли жиноятларни фош этиш ва тергов қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тезкор-қидирув ва тергов бўлинмалари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик муҳим роль ўйнайди.

Тергов ва тезкор-қидирув бўлинмалари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик масаласи Ўзбекистон Республикасининг жиноят-процессуал ва тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги қонунчилигида алоҳида норма сифатида белгиланмаган бўлса-да, мазкур соҳани тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларининг қоидалари мазмунидан бу икки субъектнинг (тергов ва тезкор бўлинмалари) фаолияти умумий мақсадга: жиноятчиликка қарши курашишга, жиноятларни фош этиш ва тергов қилишда биргаликда ҳаракат қилишга қаратилган дейиш мумкин. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тергов ва тезкор бўлинмалари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик масалалари Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 36-37, 391-392, 347, 354-357-моддалари, Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги, “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонунлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида белгилаб берилган. Республикамизда ўзаро ҳамкорлик масалалари кўпроқ идоралараро ва идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади ва улар тергов органлари билан тезкор бўлинмалар ҳамкорлигининг ўзига хос жиҳатлари, кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатлари, тезкор-қидирув тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш тактикаси, махсус кучлар, воситалар ва усуллардан комплекс равишда фойдаланиш тартиби ва бошқа масалаларни белгилаб беради.

Сўнги йилларда республика суд-ҳуқуқ тизимида ва қонунчилигида кечаётган ислохотлар, хусусан, жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигининг такомиллаштирилаётганлиги, Жиноят-процессуал кодексига терговга қадар текширув институтининг киритилиши, суриштирув институтининг моҳияти ўзгарганлиги [1], Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонуни [2], шунингдек ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятига доир, хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги, “Давлат хавфсизлик хизмати

* ИИБ Академияси тезкор-қидирув фаолияти кафедраси ўқитувчиси

тўғрисида”ги, “Давлат божхона органлари тўғрисида”ги қонунларининг [3] қабул қилиниши ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тергов (суриштирув) ва тезкор бўлинмаларининг жиноятларни фош этиш ва тергов қилиш соҳасида ўзаро ҳамкорлик масалаларини қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда.

Маълумки, республикада жиноий судлов тизимида судга қадар ишларни юритиш босқичида тезкор-қидирув фаолияти, терговга қадар текширув, суриштирув ва тергов каби ҳуқуқий институтлар мавжуд бўлиб, мазкур фаолият кўринишларини амалга ошириш бўйича ҳуқуқий нормаларда ушбу тушунчалар бир-биридан ҳуқуқий табиатига кўра ажратилган. Тезкор-қидирув фаолияти нопроцессуал фаолият деб ҳисобланса, терговга қадар текширув, суриштирув ва тергов институтлари процессуал фаолият кўринишлари деб аташ мумкин. Чунки мазкур фаолият турлари жиноят-процессуал қонунчилиги билан тартибга солинади ва ушбу фаолият натижасида олинган маълумотлар жиноят ишлари бўйича далил сифатида баҳоланади. Тезкор-қидирув фаолиятига бундай хусусиятлар хос эмас, лекин бу мазкур институтнинг жиноятларни фош этиш ва тергов қилишдаги аҳамиятни камайтирмайди.

Бу борада ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиш қонунчиликдаги мавжуд муаммоли масалаларни танқидий нуқтаи назардан кўриб чиқишга ва судга қадар жиноят ишларини юритиш босқичида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг куч ва воситаларидан самарали фойдаланиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқишга хизмат қилади.

АҚШ, Германия, Франция, Буюк Британия давлатлари қонунчилигида “тезкор-қидирув фаолияти” ва “тергов фаолияти” каби тушунчалар йўқ ва ўз-ўзидан мазкур институтлар ўртасида аниқ чегаралар мавжуд эмас [4], шунингдек “терговчи” деб номланган жиноят ишини тергов қилишда марказий ўрин тутувчи мансабдор шахс ҳам алоҳида кўрсатилмаган. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ваколатли ходимлари жиноятларни фош этиш ва тергов қилишда бир пайтнинг ўзида ҳам процессуал, ҳам нопроцессуал (тезкор-қидирув тадбирлари) ҳаракатларни амалга ошириши мумкин.

Жиноий судловни амалга оширишда тезкор-қидирув ва жиноий-процессуал функциялари яқинлашувининг яққол ифодасини АҚШда кузатиш мумкин. АҚШ давлатчилигининг федерализм принципига қурилганлиги тезкор ва тергов органлари фаолиятида ҳамкорлик масалаларида ўзига хосликни ва бири-бирига боғлиқ бўлмасликни келтириб чиқарган. АҚШда тезкор-қидирув ва тергов фаолиятини амалга ошириш: ушлаш, ҳибсга олиш, жиноий таъқибни олиб бориш ҳуқуқига эга бўлган давлат органлари ҳуқуқни қўлловчи органлар (law enforcement agencies) деб номланади.

АҚШда Ўзбекистон Республикаси ИИБ, ДХХ, прокуратура органлари ёки Давлат божхона қўмитаси каби бирор йўналишда марказлашган терговни (суриштирувни) олиб бориш функцияси юклатилган давлат органлари мавжуд эмас. Федерал миқёсда 40 дан ортиқ тезкор-тергов органлари фаолият юритади, улар бирор вазирлик ёки идоранинг таркибий қисмига киритилган, жиноятлар йўналиши ва ижтимоий хавфига қараб улар терговга тегишлилик бўйича бўлинган.

Жиноий судлов ишларида АҚШда терговчи деган махсус процессуал субъект бўлмаганлиги учун, унинг иштирокисиз ёки ёрдамисиз ҳам жиноят иши бўйича далилларни қидириш ва мустақамлаш мумкин. Судга қадар босқичда жиноят ишининг ҳақиқий эгаси полиция ходими ҳисобланади [5]. Жиноятлар кўпчилик қисмини тергов қилиш штатлар ва маҳаллий полиция ҳиссасига тўғри келади, уларнинг терговларини округ прокурорларининг ёрдамчилари тўлдиради ва ёки улар оғир жиноят ишларини тергов қилади.

Полиция суриштируви жиноят ҳақида келиб тушган маълумотларни ошкора ва ношкора усуллар орқали текширишни англатади [6]. Полиция қидируви қоидалари қонунчилик билан тартибга солинмаган, асосий вазифа тинтув ва ҳибсга олиш учун маълумотлар, жиноят ва уни содир этган шахс ҳақида маълумотларни тўплаш ҳисобланади. Полиция мазкур мақсадларда ношкора тезкор тадбирларни ўтказди, тушунтиришлар, зарур материалларни олади, ҳисоботлар тузади. Жиноят иши бўйича ҳужжатлаштириш ёзувлар, ҳисоботлар, схемалар, режалар ва видеоёзувлар шаклида тўпланади [7].

Судга қадар ишни юритиш босқичида терговни амалга оширадиган шахснинг ношкора фаолияти марказий ўринга эга, яъни полиция тергови жараёнида но процессуал тарзда далилларни тўплаш кенг қўлланилади. Шу мақсадда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходими (полиция ходими, детектив, ФБР ходими ва бошқ.) жиноят белгилари бўлган маълумотлар бўйича тезкор-қидирув фаолиятини ҳам, тергов фаолиятини ҳам олиб бориши мумкин [8].

Тинтувга ёки ҳибсга олишга ордер олиш жиноят ишини қўзғатишни англатади, иш бўйича дастлабки расмий ҳужжат ҳисобланади [9]. Полиция тергови натижасида исботловчи маълумотлар қидирилади ва аниқланади, кейинчалик улар судга тақдим этилади. Тергов ҳаракатларида холислар иштирок этмайди ва баённомалар тузилмайди, балки ҳисоботлар тайёрланади. Масалан, тинтувга рухсат олиш тўғрисидаги ордерда ушбу ҳаракатни ўтказишда олиниши лозим бўлган предметлар баён этилади, бу гумон қилинувчида ҳақиқатдан ҳам жиноятга алоқадор предмет унда ёки унинг уйида бўлганлиги ҳолатларини кафолатлашга қаратилган. Бу маълумотлар суд муҳокамасида полиция зобитининг шахсан иштироки ёки айбловнинг гувоҳи сифатида эксперт мақомида ходим сўроқ қилингандан сўнг далил сифатида баҳоланиши мумкин.

Бу ўринда айтиш мумкинки, судга қадар босқични тўлиқ тартибга солинмаганлиги полиция томонидан судгача тўпланган маълумотларни суд муҳокамасига олиб боришда процессуал тўсиқларни олиб ташлаган.

Суд босқичигача жиноят иши бўйича полиция томонидан тўпланган далиллар фақат айбни исботлаш учун хизмат қилади, лекин уларни далил сифатида тан олиниши суд муҳокамаси жараёнида амалга оширилади.

Демак, полиция тергови тартибга солишнинг қидирув методига бўйсунди. Полиция ҳаракатлари натижасида суд далиллари пайдо бўлмайди, у томонидан олинган ахборот суд муҳокамасининг предмети бўлиб хизмат қилади.

Францияда дастлабки терговни олиб боришга суд полициясининг барча комиссар ва офицерлари, шунингдек жандармериянинг офицерлар ва беш йилдан ортиқ хизмат қилган оддий ходимлари ваколатли ҳисобланади.

Прокуратура жиноят процессининг барча босқичида жиноят ишлари бўйича таъқибни амалга оширади, суд полициясининг фаолиятига раҳбарликни амалга оширади, оммавий даъвони (жиноят ишини) қўзғатиш тўғрисида қарор қабул қилади. Прокуратура жиноят ишини қўзғатишга ваколатли ягона давлат органи ҳисобланади.

Францияда дастлабки тергов суриштирув шаклида олиб борилади, унга тезкор-қидирувнинг ҳам, жиноят-процессуал фаолиятнинг ҳам элементлари хос бўлиб, жиноят-процессуал кодексида ушбу институтлар ўртасида аниқ чегара белгиланмаган [10].

Суд полицияси томонидан амалга ошириладиган ҳаракатлар қонунчиликда белгилаб берилмаган, лекин улар прокурорнинг назорати остида амалга оширилади. Суриштирув жараёнида тинтув, олиб қўйиш, сўроқ, экспертиза ўтказиш, ушлаб туриш ва ҳибсга олиш кўпроқ қўлланади. Тинтув ва олиб қўйиш ошкора содир этилган жиноятларда ва суриштирувнинг дастлабки босқичида амалга оширилиши мумкин. Ошкора содир этилган жиноятларда тинтув ва олиб қўйиш фақат суд полицияси зобитлари томонидан амалга оширилади.

Франция жиноят-процессуал кодексида шахсий тинтув, сўроқ, юзлаштириш, экспертиза кўрсатиб ўтилмаган бўлса-да, мазкур процессуал ҳаракатлар амалиётда кенг қўлланилади.

Германияда дастлабки тергов Франциядаги каби суриштирув шаклида олиб борилади, яъни у қидирув характерига эга. Жиноий таъқибни амалга ошириш прокуратуранинг ваколатига тегишли бўлиб, полиция органлари фақат тезкор-қидирув ва дастлабки тергов ҳаракатларини амалга ошириши мумкин, уларнинг вазифаси “хавфни бартараф этиш” холос. Шу билан бирга, ҳар бир полиция ходими жиноятларни аниқлаш кўникмаларига эга бўлиши ва улар содир этилган жойда кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини амалга ошира олиши лозим [11].

Прокуратура органлари жиноят ишининг барча ҳолатларини, айбловчи ва оқловчи ҳолатларни текширади. Шу мақсадда прокурор барча органлардан турли маълумотларни талаб қилиб олиш, мустақил ёки полиция ходимлари ёрдамида терговни юритиш ҳуқуқига эга. Кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда тинтув, олиб қўйиш, ушлаб туриш, айбдор шахсни қидириш, телефон сўзлашувларини эшитиш бўйича қарор чиқариши, судга айбдор шахсни қамоққа олиш бўйича илтимоснома киритиши мумкин. Полиция ходимлари прокурорнинг топшириқлари ва талабларини бажаришлари шартлиги белгиланганлиги Ўзбекистоннинг жиноят-процессуал қонунчилиги билан ўхшаш жиҳат дейиш мумкин [12]. Расмий равишда полиция суриштирув органи ҳисобланмайди, улар жиноят ҳолатларини ўрганиш ва далилларни йўқолишига йўл қўймаслик чораларини кўради.

Суриштирувни олиб боришда тергов судьяси ҳам иштирок этиши мумкин. Прокурор лозим деб топган ҳолларда (масалан, олинган маълумотларга қонуний тус бериш мақсадида) тергов ҳаракатлари ўтказиладиган жойдаги участка судьясига илтимоснома киритади. Судья- суриштирувчи прокурорнинг (ёки ҳимоянинг)

илтимоси бўйича алоҳида тергов ҳаракатларини амалга оширади. Аини пайтда у ишни ўз юритувига олмайди, бу эса унинг айблов функциясидан мустақил эканлигини билдиради. Бундай тергов ҳаракатлари тортишувчилик принципи асосида – суд залида тарафларнинг иштирокида ўтказилади. Ўтказилган тергов ҳаракатлари юзасидан тузилган баённомалар далил кучига эга ва ишнинг моҳияти бўйича суд муҳокамасида фойдаланилиши мумкин.

Германиядаги дастлабки терговни тезкор-қидирув фаолиятдан фарқлаш қийин. Кўплаб тезкор-қидирув тадбирлари Германия ЖПКда ўз ифодасини топган, полиция уларни суд қарори асосида қўллаши мумкин. Полиция тергови кўп ҳолатларда нопроект тарзда амалга оширилади [13].

Масалан, ГФР ЖПК § 110a, § 110b, § 110c, § 110d ва § 110e моддаларига кўра, ношкора суриштирувчилардан (улар фақат полиция ходимлари бўлиши мумкин) гиёҳвандлик воситалари ёки ўқотар қурол, ўқ-дорилар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш, пулларни қалбакилаштириш, давлатни қўриқлаш, уюшган жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида оғир жиноятлар содир этилиши мумкинлиги ҳақида аниқ маълумотлар бўлганда фойдаланилиши мумкин. Бундай ношкора тадбирни амалга ошириш учун айрим шартлар: масалан, бундай жиноятларни бошқа усуллар орқали фош этиб бўлмаслиги, ношкора суриштирувчи шахсининг афсоналаштирилиши, ҳатто жиноят фош этилгандан сўнг ҳам, прокурор (турар-жой дахлсизлиги бузилиши ҳолатларида - судья) санкциясининг мавжуд бўлиши белгиланган. Айтиш мумкинки, ношкора суриштирувчининг ҳуқуқий мақоми ва у томонидан амалга ошириладиган ҳаракатлар Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг 14-моддасида назарда тутилган “тезкор киритиш” тезкор-қидирув тадбирига ўхшайди [14].

Дастлабки терговни тезкор-қидирув фаолиятдан фарқлаш қийинлиги жиноят ишини кўзғатишнинг расмий босқичи мавжуд эмаслиги билан ҳам боғлиқ. Хусусан, жиноят ҳақида хабар олинган процессуал ҳаракатларни амалга ошириш билан бошланади ва полиция ҳамда прокурорнинг дастлабки тергов фаолияти батафсил тартибга солинмаган қидирув шаклида амалга оширилади.

Германияда жиноят процессида тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан далил сифатида фойдаланишнинг ўзига хос жиҳатлари мавжуд.

Немис жиноят процессида қатъий белгиланган ва эркин исботлаш мавжуд. Биринчи тоифадаги далиллар суд фаолияти билан боғлиқ ва процессуал жиҳатдан тартибга солинган. Иккинчиси полиция томонидан қўлланиладиган ва процессуал шакл билан боғлиқ бўлмаган исботлаш. Полиция фаолияти судда исботлаш учун тайёргарлик кўришга қаратилган. Бу ахборот ташувчиларини қидириш билан боғлиқ бўлиб, процессуал тартибда тўплангандан сўнг жиноят иши бўйича далил бўлиши мумкин. Бу борада ношкора суриштирувчидан олинган маълумотлар бевосита жиноят судлов ишларида далил сифатида фойдаланиб бўлмаслиги, уларнинг жиноят ишига алоқадор бошқа далилларни аниқлаш ва баҳолашга ёрдамчи эканлиги қонунчиликда белгилаб қўйилган.

Прокурор ва полиция фаолияти натижасида суд далиллари пайдо бўлмайди. Суд муҳокамасида полиция томонидан тузилган баённомалар ошкор этилмайди.

Тезкор-қидирув фаолиятининг махфий манбалари маълумотларини далил сифатида фойдаланиш иккита усул орқали амалга оширилади.

1) полиция ходимини унинг алоқасидаги махфийлик асосида кўмаклашувчи шахснинг сўзлари юзасидан судда сўроқ қилиш. Бунда полиция ходимлари ноошкора манбалардан олинган маълумотларни уларнинг шахсини ошкор қилмаган ҳолда судда гувоҳ сифатида баён қилади. Ушбу жиҳат тезкор ходимнинг имкониятларини сезиларли даражада оширади. Германияда бу амалиёт “сўзлар орқали гувоҳлик” деб номланади ва бу қоида қонунчиликда мустаҳкамлаб қўйилган; 2) жиноят процесси иштирокчиларига махфийлик асосида кўмаклашувчи шахснинг шахсини маълум қилмаган ҳолда унинг ўзини бевосита сўроқ қилиш. Бу ҳолатда ноошкора манбанинг шахсини ошкор қиладиган ҳолатларни олдини олиш мақсадида қўшимча шартларга риоя этилиши зарур. Суд томонидан махфий сир сақлаш кафолатланган шахсларнинг гувоҳлик кўрсатмаларини эшитиш бўйича қарор қабул қилишда гувоҳ-конфидент ёки унинг махфий қолишини таъминлаш мақсадида белгиланган процессуал чораларни (ошкораликни истисно қилиш; махсус ваколатга эга судьялар томонидан сўроқ қилиш ва бошқа суд таркибининг иштирок этмаслиги) етарли эканлигини текшириши лозим. Бунда тегишли чоралар кўрилган ҳолда бу тоифадаги гувоҳни сўроқ қилиш ёки бундай гувоҳнинг кўрсатувларидан воз кечиш тўғрисида қарор қабул қилинади. Бу таклифни кўплаб ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари қўллаб-қувватлайди [15].

Ушбу усулларнинг иккаласи ҳам ҳуқуқий камчиликлардан ҳоли эмас, яъни у тортишув жараёни учун тўғри келмайди, биринчи ҳолат – бевоситаликни, иккинчи ҳолат – тарафларнинг тенглиги принципларини бузади. Шу сабабли махфийлик асосида кўмаклашувчи шахсларнинг маълумотлари айрим тоифадаги ишларда чекланган тарзда фойдаланилади [16].

Кўзғатилган жиноят ишлари доирасида (оғир жиноятлар бўйича) барча ҳуқуқни чекловчи тезкор тадбирлар судья санкцияси асосида амалга оширилади. Ахборотни тутиш натижасида олинган маълумотлардан (муддати 3 ойдан кўп бўлиши мумкин эмас), “бошқа усуллар билан олиш қийин ёки мураккаб бўлган вазиятларда” далил сифатида фойдаланиш мумкин.

Буюк Британияда ҳам тергов жиноят процессуал тарзда эмас, балки маъмурий тартибда амалга оширилади. Полиция фаолияти далилларни истисно қилишни тартибга солувчи “лозим даражадаги процедура”га асосланади. Полиция ва прокурор суд муҳокамаси учун материаллар тайёрлаб берувчи томон сифатида ҳаракат қилади [17]. Бошқача айтганда, жиноят процесси ушбу давлатда фақат судда бошланади, унга қадар босқич нопроцессуал муносабатлар ҳисобланади.

Шу билан бирга, полиция ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар нафақат тезкор-қидирув тадбирларини, балки далилларни тўплаш ва текшириш бўйича ҳибсга олиш, сўроқ, тинтув, таниб олиш учун кўрсатиш ва бошқа ҳаракатларни амалга оширади [18] ва бунда суд амалиётида (процедент) келиб чиққан қоидаларга асосланади. Яъни, полиция жиноят ишини тергов қилиш билан боғлиқ процессуал қарорларни қабул қила олади. Полициянинг фаолияти ҳақиқатни аниқлашга эмас, балки жиноят содир этган шахсни топишга, унга қарши исботловчи материалларни

тўплашга қаратилган [19]. Ҳибсга олиш ва тинтувга магистрат-судьялар санкция бера олади.

Судга қадар текширув жиноят процессининг бир қисми ҳисобланса-да, ушбу давлатда мазкур босқичнинг энг ўзига хос жиҳати сифатида расмийликнинг кам даражада эканлигини айтиш мумкин. Англиялик полиция ходимлари жиноятга алоқадор расмий ҳужжатларни тайёрлаш ва қайд қилишга камроқ эътибор қаратиб, уларнинг асосий иш фаолияти самарали натижага эришишга қаратилади, жиноят ишини тергов қилишда полиция ходими процессуал қарор қабул қиладиган мансабдор шахсдан кўра изқуварлик фаолияти билан кўпроқ шуғулланади, кундалик фаолиятида қонунларни эмас, балки ички идоравий ҳужжатлар билан тартибга солинувчи амалий қоидаларни қўллайди [20].

Суд маҳокамаларида кўп ҳолларда тергов ҳаракатларини олиб борган полиция ходимлари гувоҳ сифатида сўроқ қилинади, бунга улар томонидан амалга оширилган тадбирларнинг қонунийлиги ва далилларнинг мақбуллиги ёки “зўрлик ишлатилганлиги презумпцияси”ни рад этиш зарурияти пайдо бўлган ҳолларда йўл қўйилади. Полиция фаолиятининг бундай якуний босқичи орқали олиб борилган терговнинг сифати ва самарасига баҳо берилади. Далил сифатида гувоҳларнинг фақат дастлабки (бевосита) кўрсатмалари тан олинади, ҳосила далилларга йўл қўйилмайди. Шу сабабли инглиз жиноят процессида полиция сўроғининг баённомаларидан фойдаланилмайди. Сўроқни олиб борган ҳар қандай полиция ходими гувоҳ сифатида судда қатнашади ва у сўроқ қилинган шахслардан олинган маълумотларга асослана олмайди. Бундай далилларни мақбул деб топиш учун полиция ходими томонидан сўроқ қилинган гувоҳни судга чақириш ва бевосита сўроқ қилиш лозим бўлади.

Демак, англосаксон ҳуқуқ тизимига кирувчи давлатларда судга қадар ишни юритиш қонунлар билан тўлиқ тартибга солинмаган ва улар асосан қонуности ва идоравий ҳужжатлар билан тартибга солинади, бу эса ўз навбатида тезкор-қидирув тадбирлари ва дастлабки тергов ҳаракатларини ўтказиш борасида маъмурий ва процессуал тўсиқларни камайтирган. Хусусан, бундай фаолиятнинг бўлинмаганлиги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тезкор ва тергов бўлинмалари ўртасида келиб чиқувчи тушунмовчиликлар ёки низоли вазиятларни, жиноят ишларини самарасиз тергов қилинишини олдини олади.

Жиноят ишини қўзғатишнинг расмий босқичи мавжуд эмаслиги жиноятларни тез ва самарали тергов қилишга ёрдам беради. Жиноятларни тергов қилишда юқори даражадаги рационалликка, куч ва воситаларни асрашга йўналганлиги, такрорийлик ва параллел ҳаракатлар камлигини кузатиш мумкин. Полиция ходимлари учун жиноят иши бўйича далилларни процессуал тарзда мустаҳкамлаш, белгиланган шаклга риоя қилиш ва ҳужжатларни расмийлаштириш асосий вазифа эмас. Бунинг аксини: жиноятларни шаблон бўйича тергов қилинишини, жиноятчи шахсини аниқлашдан кўра, ишга алоқадор фактларни қоғозга ҳужжатларда қайд этиш, далиллар тўплашда баённомалар ва далолатномалар тузишда адашмаслик, холислар иштирокини таъминлаш муҳимлигини республикамиз қонунчилигида кузатиш мумкин.

Мазкур давлатларда тезкор-қидирув ва тергов фаолияти бир-биридан қатъий равишда ажратилмаганлиги сабабли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг

мансабдор шахслари бир пайтнинг ўзида ҳам тезкор-қидирув ва дастлабки (кечиктириб бўлмайдиган) тергов ҳаракатларини амалга ошириш ваколатига эга. Жиноят ишининг терговини олиб бораётган ходим (АҚШ, Буюк Британия) муайян жиноят иши бўйича терговни олиб бориш тактикасини мустақил танлайди ва “терговчи” институти бўлмаганлиги сабабли ишни судга қадар олиб боришгача шахсан масъул ҳисобланади. Полиция ходимлари жиноят иши бўйича айблов тарафида туриб унга алоқадор фактлар ва предметларни тўплаш билан шуғулланади, уларга баҳо бериш, яъни жиноят ишида далил сифатида тан олиш суд томонидан берилади.

Тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан ҳам судда далил сифатида фойдаланиш мумкин. Жиноят иши бўйича гувоҳ сифатида бевосита ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органнинг ходими ёки у билан ҳамкорликдаги шахс (унинг ким эканлиги ошкор қилинмаган ҳолда) гувоҳ сифатида судда сўроқ қилинишини айтиш мумкин. Бу ўринда ҳамкорликдаги шахснинг хавфсизлиги масалаларига эътибор қаратиш зарур. Бундай қоидалар амалдаги қонунчилигимизда таъқиқланмаган бўлса-да, ушбу жиҳатни қонунчиликда мустаҳкамлаш ва амалиётда қўллаш ходимларнинг малакасини оширишга ва терговнинг сифатини оширишга хизмат қилади.

References:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Суриштирув институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонуни, № ЎРҚ-442, Халқ сўзи, 178-сон, 2017 йил 7 сентябрь. Б. 1-4.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонуни, 2012 йил 25 декабрь.
3. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 йил, 14-сон, 272-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 йил, 38-сон, 438-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 йил 22 октябрь, 42-сон, 827-модда.
4. Стойко Н.Г. Уголовный процесс западных государств и России: англо-американской и романо-германской правовых систем. СПб., 2006. С. 147.
5. Деришев Ю.В. Концепция уголовного досудебного производства в правовой доктрине современной России: Монография. Омск, 2004. С. 83.
6. Ларичев В.В. Предварительное расследование преступлений в США и Германии: Дис. ... канд. юрид. наук. М., 2004. С. 83-84.
7. Глушков М.Р. Документирования полицейского расследования в США // Право. Журнал Высшей школы экономики. 2016. № 2. С. 212-222.
8. Ларичев В.В. Предварительное расследование преступлений в США и Германии. Автореферат на соиск. к.ю.н., Москва. 2004.
9. Власихин В.А. Служба обвинения в США: Закон и политика. М., 1981. С. 122
10. Головкин Л.В. Дознание и предварительное следствие в уголовном процессе Франции. М., 1995. С. 53.
11. Важенин В.В. и Лугович С.М. Некоторые аспекты регулирования правового статуса должностного лица, осуществляющего оперативно-розыскную деятельность, по

законодательству стран дальнего зарубежья. Раскрытие и расследование преступлений. Общество и право, № 4 (50), 2014. С. 221.

12. Головненков П., Спица Н. § 161 УПК Федеративной Республики Германия: Научно-практический комментарий и перевод текста закона. Хелльманн У. Введение в уголовно-процессуальное право ФРГ. – М.: МГЮА, 2012. С. 60.

13. Ижнина Л.П., Петровская А.А. Сравнительно-правовой анализ взаимодействия следственных органов и оперативных подразделений по раскрытию и расследованию неочевидных преступлений (на примере России, Германии и США). Вестник Нижегородского университета, 2015, № 4, С. 138.

14. <https://lex.uz/docs/2106527>

15. Луговик В.Ф., Давыдов С.И., Пономаренко О.Н. Оперативно-розыскное обеспечение государственного обвинения. Барнаул, 2007. С. 120-125.

16. Головненков П., Спица Н. § 68, § 110е УПК Федеративной Республики Германия: Научно-практический комментарий и перевод текста закона. Хелльманн У. Введение в уголовно-процессуальное право Федеративной Республики Германия.– М.: МГЮА, 2012. С. 18, 35.

17. Божьев В.П. Уголовный процесс. – М.: Юрайт; 2011. С. 10 и Брусницын Л.В. История законодательства и практика его применения о лицах содействующих уголовному правосудию. – М.: Спарк, 2015. С. 79-102.

18. Боботов С.В. Правосудие в Англии. М.: 2005. С.67

19. Гуценко К.Ф., Головки Л.В., Филимонов Б.А. Уголовный процесс западных государств. М., 2008. С. 45.

20. Вандышев В.В. Уголовный процесс. Курс лекций, М., 2000, С. 79.